


ЎЗНОНСИ

Ушбу сонда:

2 ТАДБИРКОР — ЭЛГА
МАДАДКОР

3 ЗАРАФШОН
САНАМЛАРИ

4 СПОРТ — СОҒЛОМ
АВЛОД ХИЗМАТИДА



ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

Ўз ҳаётини ақлий меҳнат билан боғлаган кишилар учун жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти бекибдир. Бунга ҳеч ким билмас ҳам ўқитувчи-устозларимиз яхши билишади. Уларнинг саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун бошланғич касабга уюшма ташкилотлари томонидан мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб келинади. Ғолиблар ўз навбатида вилоят ва республика баҳсларида қатнашадилар.

Кеча Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкиллаштирилган Республика


ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимлари II спартакиадасига старт берилди. Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи спорт

Тадбир

мажмуасида бошланган мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 140 нафар таълим ходимлари ўзаро беллашадилар.

Мусобақалар низомига кўра, баҳслар спортнинг стритбол, шохмот, шашка, стол тенниси, арқон тортиш, армрестлинг турлари бўйича ўтказилади. Ғолиблар Марказий кенгаш томонидан таъсис этилган кўчма кубок ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Мусобақа қатнашчилари спорт баҳсларидан бўш пайтларида мароқли хордик чиқаришлари



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

учун «Бўстон» санаторийсидан жой ажратилган.

— Бундай мусобақаларда илк марта қатнашишим. Яратилган шaroит менга маъқул бўлди, — дейди қашқадарёлик Тўра Шоймардонов. — Баҳонада ўз саломатлигимизни тиклаб олишимиз ҳам мумкин. Санаторий ходимлари бизга намунали хизмат кўрсатишмоқда. **Абдулхай ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири**

Республика касабга уюшмаси ташкилотларида

ЎЗ ВАЗИФАЛАРИГА ТИКЛАНИШДИ

Қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касабга уюшма Марказий кенгашининг Фарғона вилояти бўйича вакилликда меҳнатқашларни ҳуқуқий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йил бошдан бўён вакилликка тушган 12 та ёзма ҳамда 60 та оғзаки мурожаат кўриб чиқилиб, уларнинг аксарияти аризачилар фойдасига ҳал этилди.

Масалан, Фарғона шаҳридаги «Нефтьавтомонтаж» масъулияти чекланган жамият ишчиси К.Мамутов ва жамоанинг бошқа аъзоларидан 21 киши меҳнат қонучилигига зид равишда ишдан бўшатилганди. Ушбу масала вакиллик мутахассислари иштирокида Фарғона туманларо фукаролик судида кўриб чиқилди. Ишчиларнинг 13 нафари ўз ишларига қайта тикланди.

ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Фарғона вилоят касабга уюшма ташкилотларида иш ҳақидан мудади ўтган қарздорликни қамайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати касабга уюшма вилоят вакиллик томонидан 2 миллион сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Тармоқдаги корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда меҳнатқашларга соғлом ва хавфсиз иш шaroитлари яратиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар сонини қамайтириш борасида яхши натижаларга эришилмоқда.

ПЕДАГОГЛАР КУЧ СИНАШИШДИ

Сариосиё туман таълим ва фан ходимлари касабга уюшма кенгаши «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан ўқитувчиларнинг аънавий XIV спартакиадасини ўтказди.

Унда спортнинг шашка, шохмот, арқон тортиш, армрестлинг, стол тенниси, волейбол, баскетбол турлари бўйича 480 нафар педагоглар куч синашишди.

Ғолибларга туман тармоқ касабга уюшма кенгашининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

ЗАРАФШОНДА ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ

Кейинги вақтда Зарафшон шаҳрида кам даромадли оилаларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Навий кон-металлургия комбинатига қарашли Марказий руда, Зарафшон қури-

лиш бошқармаси, «Зарафшон — Ньюмонт» кўшма корхонаси бу хайрли ишнинг ташаббускорларидан саналишади. Утган ойда шаҳарда ва геологлар қўرғонда кўйгизилган хайрият тадбирлари сарфланган 50 миллион сўмнинг тенг яри ми таъминланган оилаларга ажратилди. Жумладан, Марказий руда бошқармаси томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, яқка-ёлғизлар, кам таъминланган оилалар ва шаҳардаги «Шодлик» болалар уйи тарбияланувчиларига 15 миллион сўмлик совғалар улашилди.

ТҮЙБОЛАЛАРГА ТҮЁНА

Яқинда «Навийазот» очик акциядорлик жамиятининг «Ширин» маданният саройида «Ватан», «Умид», «Ишонч», «Мурувват», «Баҳор», «Хумо», «Кимёгар» маҳаллаларидан таклиф этилган 200 нафар кишига дастурхон ёзилиб, 10 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди.

Тўйболаларнинг ҳар бирига ва ота-оналарига корхона маъмурияти ва касабга уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди. Уларнинг ҳар бирига банкда махсус ҳисоб рақами очилиб, 20 минг сўмдан пул қўйилди.

Шу кунги боқувчиси ишлаб чиқариш пайтида вафот этган оила фарзандларидан 13 нафарига бош-оёқ сарпо кийгизилди. Шаҳардаги «Меҳрибонлик уйи», Кармандағи 25-заиф эшитувчи болалар интернати ўқувчилари ҳам корхона гамхўрлигидан баҳраманд бўлишди.

«ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ»

Шу кунларда Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касабга уюшмалари Марказий кенгаши ташаббуси билан «Ўз касбининг устаси» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад халқ истеъмоли моллари сифатини юксалтириш, меҳнат унвдорлигини ошириш, рақобатбардош махсулот ишлаб чиқариш ва ёш ходимларнинг ўз касбига меҳрини қучайтиришдир. Айни вақтда туман ва шаҳарларда кўрик танловнинг яқунловчи босқичи кетмоқда.

ҲОМИЙЛАР КҮМАГИДА

Балиқчи тумани агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшма кенгаши ҳамда собик «Намуна» ширкат хўжалиги ўрнида ташкил топган фермер хўжалиқларининг савй-ҳаракати билан ҳудуддаги 36-умумтаълим мактабининг ёзги ўйингоҳи қайтадан таъмирдан чиқарилмоқда.

Футбол, волейбол, баскетбол майдончалари ва югуриш йўлакчалари янги ўқув мавсумига шай ҳолга келтирилди. Шунингдек, хомийлар кўмагида билим даргоҳини 500 метр узунликдаги бетон девор билан ўраш масаласи ҳам ҳал этилмоқда.

Ўз мухбирларимиздан

«КОНСИГНАТОР»НИНГ АРЗОН МАХСУЛОТЛАРИ

Кармана туманидаги «Консигнатор» корхонаси асосан аҳолига гўшт ва гўшт махсулотлари етказиб беришга ихтисослашган. Бу ерда шу йилнинг утган даврида 80 тонна гўшт, 30 тонна колбаса сотилди.

Хар кунни режадаги уч тонна ўрнига 5-6 тоннагача гўшт ва ўн илданга колбаса махсулотлари сотува чиқарилмоқда.

Хомашё корхонанинг узида тайёрланади. Бунинг учун юз бошга яқин қорамол боқилапти. Озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида ўртақчи ва Маликўл ҳудудидан ажратилган 140 гектар ерда бошоқли дон, полиз ва лавлаги экинлари парвариш қилинмоқда.

ЯНГИ БЎЛИМ ИШГА ТУШИДИ

Мамлакатимизда темир йўл ходимларига тиббий ёрдам кўрсатишдан 12 та ихтисослаштирилган шифохона ва 30 та тиббий пункт мажуд.

Андижон шаҳридаги темирйўлчилар шифохонасида болалар бўлими очилди. Бу ердаги хоналар икки-уч кишига мўлжалланган. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси бўлимини керакли ускуналар билан жиҳозлаш учун 60 миллион сўм ажратди. Шифохонада замонавий ташхис қўйиш-даволаш ускуналари билан бир қаторда уйин хонаси, телевизор, кўплаб ўйинчоқлар бор. Бу ерда тажрибали шифокорлар болаларга малякали ёрдам кўрсатмоқда.

(ЎзА)

Болалар оромгоҳлари: масъулиятли палла яқин

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Мақтаб ўқувчиларининг ёзги оромгоҳларда дам олишини ташкил этиш тўғрисидаги Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг қўшма қарори қабул қилинган. 17 та шаҳар ташқарисидagi оромгоҳларни мавсумга шайлаш ишлари жадаллашиб кетди.

Жорий йилда 2880 нафар боланинг шаҳар ташқарисидagi оромгоҳларда, яна шунча ўқувчиларнинг 30 та мактаб қошидаги оромгоҳларда хордик чиқариши режалаштирилган.

Хозиргача Мирзачўл, Фориш туманлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, «Жиззах-Узи-теле-

ком» корхонасига қарашли «Мирзачўл», «Коинот», «Алоқачи» болалар оромгоҳларида тайёргарлик ишлари поёнига етай деб қолди.

— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурига мувофиқ бу йил диспансер назоратидаги 200 нафар бола бепул дам олдирилади, — дейди вилоят ка-

саба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим бошлиғи Солижон Мамадазимов. — Шунинг баробарида кам таъминланган оилаларнинг 400 нафар фарзандлари ҳамда Зарбдор туманидаги заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати тарбияланувчиларидан 50 нафарига оромгоҳларга бепул йўланма берилди.

Барча болалар оромгоҳларида алоқа хизмати янада яхшиланади. Жорий йилда вилоят бўйича мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олишини ташкил этиш мақсадида 78 миллион 720 минг сўмга яқин касабга уюшма ташкилотлари маляка сарфланади.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда коммуникация ва транспорт, жумладан темирйўл соҳасининг жадал ривожланишига катта эътибор берилаяпти. Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида темирйўл бошқарми тизимини такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш орқали халқ хўжалигининг юклар ва йўловчилар ташинишга бўлган эҳтиёжини қондириш чора-тадбирлари кўриляпти. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 январдаги «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» янги темирйўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисидаги» қарори Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга асос бўлди.

Умумий узунлиги 223 километр масофани ўз ичига олган гигант иншоотнинг Қашқадарё вилоятдан ўтувчи қисмининг 85 километри асосан қуриб, битказилди. Бунёдкорларнинг фидойилиги ва матонат билан иш ушбу йўналишда 12 та кўприк ва 85 та сунъий сув иншоотлари барпо этилди. Тошгузар, Дехқонobod, Тангимуш воқзаллари қад кўтарди.

Янги йўл ўтадиган ҳудуд асосан тоғ ёнбағирлари, қир-адирлар ва баланд-пастликлардан

циядорлик компанияси, Энергетика вазирлигига қарашли «Электртармоққурилиш», «Ўзбекгазурилиш» очик акциядорлик жамиятлари бунёдкорлари алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда.

Тошгузар темирйўл станциясида Чашмаиҳофизон бекатигача бўлган йўналишда 15 та кўприк қуриб

битказилди. Айни пайтда узунлиги 154 метр, баландлиги 31 метрли 16-кўприкни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 67-кўприк қурилиш отряди бунёд этмоқда. Қорадаҳна темирйўл бекатидан Чашмаиҳофизонгача масофада из ётқизувчилар жадал сурьат билан ишлашяпти. Катта йўл устаси Ҳасан Валиев, 214-қурилиш темирйўл станцияси ишчиси Дилмурод Раҳимов, йўлсозловчи Дилмурод Қорабобов, 67-қурилиш отряди ишчиси

Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон темирйўли қурилишида

Икром Расулов ва пайвандовчи Ҳусан Ғайбуллаевларнинг қўли-қўлига тегмайди.

—Мақсадимиз янги йўлнинг вилоятимиздан ўтган 85 километрли қисмини қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш-

лари яратишда бекиёс аҳамиятга эга. Бундан ташқари темирйўл ўтадиган Дехқонobod туманида қаллий заводи, йирик панелли бетон махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, қишлоқларда янги ва замонавий мактаблар, аҳолига

торлар, ҳайдовчилар, кўприк қурувчилар, тажрибали мутахассисларнинг ҳамкорликдаги меҳнати туфайли иш сурьатига-сурьат қўшилипти. Йўлнинг Сурхондарё вилояти қисмида йил давомида катта микдорда тупроқ ва қурилиш ишлари бажарилди. 14,5 километр паст-баландликлар текисланди. 61 та сунъий иншоотдан 15 таси қуриб битказилди. Бойсундан Дарбандгача 5 километрлик масофага «пўлат из»лар ётқизилди. Жорий йилнинг утган ойларда 3 миллиард сўмлик тупроқ, текислаш ва қурилиш юмушлари амалга оширилганлиги иш сурьати ва сифатининг ўсиб бораётганини кўрсатади.

Йўл хўжалиги корхоналари янги рўсумдаги қудратли техникалар билан таъминланди. Бойсун участкасида Германиядан келтирилган 16 та бульдозер, 3 та Урал эксковаторлари тўла қувват билан ишламоқда. Қурувчилар учун ҳамма қулайликлар яратиб берилган. Вагон уйчалар қўйилган, юқори калорияли таом-

лар тайёрлаб берилади. Ойлик маош вақтида тарқатилади. Ҳар бир ишчи махсус иш кийими, этик ва бошқа керакли иш қуроллари билан таъминланган. Уштакларда телевизор, радиоприйимник ва бошқа кўнгличлар воситалар бор.

Йўлсозлар ҳузуридан қайтар эканмиз, гумбурлаган портлаш овозлари эшитилди. Асрий тоғлар орасидан йўл очилиб, «пўлат из»лар ётқизилиши учун замин тайёрланмоқда. Умумий лойиҳа қиймати 450 миллион АҚШ доллари билан ташкил этилган мазкур темирйўл Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини бир-бирига боғлайди. Келажақда бу темирйўл орқали мустақил Ўзбекистоннинг Тожикистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон давлатларига, денгиз ва портларга чиқиб, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириши ва мустаҳкамлаши учун имкониятлар яратилади.

Иззат ХИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири



Мустақиллик манзаралари



Ислоҳот берган имкон

ФЕРМЕР БОҒЧА ҚУРМОҚЧИ

Мустақилликка эришганимиздан буйи элимиз кўп синовлардан ўтди. Истиқлол йўлида захматлар чекди. Бу синовлар чоғида чиникди, дўст ким у душман қилганини билиб олди. Андижон воқеалари ҳар гал эга тушганда бир ривоят кўнгилдан ўтади: кози бир кишини асоссиз айблаб, тошбўрон қилиш ҳақида ноҳақ ҳукми чиқарибди. Уни кўча четидagi дарахтга боғлаб, ўтган ҳам, қайтган ҳам унга тош, кесак отаркан. Халиги кишининг яққа-ю ягона тугишгани қозининг амрини бажарай, кўпдан қолмай деб чопони уладасини намлабди-ю, ақасига қарата отибди. Тош-кесаклар зарбига чидаган бечора угада тегиши билан додлаб юборган экан.

Кимлардир тарихи узоқларга бориб тақалгунча, болари ҳоки жой олган ўз юртига қарата ўқ отган кезларда асакалик тадбиркор Холмурод Мақсудалиев умид билан «Тоғимаксуд тонги» фермер хўжалигига асос солди. Яхши ният, ярим давлат, дейдилар. Падарқушларнинг режалари амалга ошади. Аммо Холмурод аканинг фермерликка кўл урганида аниқ мақсади ва ўз орзулари бисёр эди: яъни чорвачилик ҳамда агроасаноат мажмуининг бошқа тармоқлари билан шуғулланиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва одамларни ишли қилиб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам бойитишдан иборат.

Аслида кўпни кўрганлар чорвани билганга тубғидан шохигача қони фойда, дейди. Бор гап экан. Фермер дастлаб ширкат хўжалиги фермасини хусусийлаштириб олган кезлари бу жойдан бирор натижа чиқаришга кўпчилик ишонқирамаган. Жониворлар қаровсизликдан зўрға оёқ сударди.

Зарур чора қўлаб, озуқа базаси мустаҳкамланмаса, қолган имкониятлар ҳам бой берилиши аниқ эди. Тадбиркор биринчи галда чорвачилик ҳадисини олган мутахассисларни жалб этди. Уларга етарлича шартнолар яратиб, ём-ҳашак захирасини яратди. Сўнг жониворлар тарни наслига, ёшига қараб парварлишти. Умуман, ишнинг бошланиши кутилганидек осон кечмади. Бир томондан галла ва пахтага ишлов бериш кечикмоқда.


Шундай бўлса-да, андижонликларга хос орият ва масъулият фермер шаштини қайтаролмади. Соҳа яловбардорлари тақрибасидан фойдаланиб, кези келса, улар кўчига таянди. Из-

тадбиркорлар кўп экан. Бир томони аҳолининг қўлидаги чорва молларининг түёк сони ҳам салмоқлигига. Шу боис қилич саноат линиясини олиб келиб, сут ва сутни қайта ишлаш корхонасини қуриш режалаштирилган. Ҳозирча мутахассислар билан ҳамкорликда лойиҳа-смета устида ишлар олиб борилаётир. Агар у ишга туша, 25 нафар киши доимий ишли бўлади ва 14 хил яқин маҳсулот ишлаб чи-

қарилади. Жорий мавсумни жамоа ёмон бошламади: бугдой барқ уриб, бошоқлаб турибди, ҳадемай пахтаси шоналайди. Чорваси эса кун сайин бош сонига қўпаяётир. Ўйлаб кўрилса, атиги бир йилда шунча ишни рўёбга чиқаришнинг ўзи бўлгани йўқ. Ишбилармонликдан ташқари меҳнат ахлини қўлаб-қувватлаш, улар билан тиллашиб, давр талабига ҳамроҳан бўлиш ҳам бор унинг замирида. Жамоадаги 55 нафар кишининг ҳар бири билан суҳбатлашсангиз, бажараётган юмушдан мамнунигини, эртани кунга умид ва ишонч иштиёқи баланд эканлигини туюсиз.

Дарвоқе, фермернинг яқин орадаги режаларидан бири бизнинг эътиборимизни тортди. Ярим йиллик сарҳисобдан сўнг, қишлоқда замонавий болалар боғчасини қуриш мўлжалланибди. Холмурод аканинг таъкидлашича, бунинг учун маблағ ва барча шарт-шароит етарли. Ҳа, ана шу фермер тим-солида бугун ҳар бир андижонликни яхши ниятлар ила қўриш мумкин. Зеро, бу гушанинг тупроғи ҳам, одамлар-ю дарвозаси ҳам пок ниятдиларгагина йўл очади.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири



Суратларда: Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев бир гуруҳ саломатлик посбонлари билан; ҳамшира Зулайҳо Норова

Сахий киши одатда фидойи бўлади ва айни вақтда фидойи кишининг қўлидан саховат қилиш ҳам келади. Ҳар икки фазилат уйғунлашса борми! Элим деб, юртим деб ёниб яшаётганлар ана шундай туйғу соҳибидирлар. Халқимиз орасида бундай фидойи инсонлар кўп. Шулардан бири, Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев. Нега йилдири. Жомбой туманидаги Х.Низаматов номи Давлат элита-уруғчилик хўжалигига раҳбарлик қилиб келади. Биргина ўтган йили пахтанинг ўзидан 300 миллион сўм соф фойда кўрилди. Бунга галладан келган 200 миллион сўмни қўшиб кўринг. Натижада аҳолининг турмуш даражаси анча яхшиланди. Кўплаб турар-жой бинолари, мактаб, боғча, маданий-маиший объектлар қад ростлади. Сўнгги икки йилда 2 та кишлоқ врачлик пункти қурилиб, ишга туширилди.

ТАДБИРКОР — ОЛТА МАМАЛКОР

Яқинда Балиқчи туманидаги Чинобод мавзесидаги кишлоқ врачлик пункти капитал таъмир-данд чикарилган бинода иш бошлади. Мазкур шифо маскани Қияли, Тўда, Пойтуғ, Тегиормон боши маҳаллаларида истиқомат қилувчи қарийб 5000 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. ҚВП шу йил бошида фермер хўжаликларига айлантирилган собиқ «Намуна» ширкат хўжалигининг биноси ўрнида ташкил этилди.

БАЛИҚЧИДА ЯНГИ ҚВП

— Ушбу соғломлаштириш маскани аҳолига катта қўлайлик яратди,— дейди ҚВП мудираси Олмаҳон Раҳмонова. —Чунки, авваллари аҳоли саломатлигини асровчи маскан эски, тор, харобалашган бинода фаолият юритаётган эди. Ҳар қанча таъмирласан ҳам фойдаси бўлмади. Шароит ноқорлигидан беморларга кўнгилдагидек хизмат кўрсата олмадик.

Туман ҳокимлиги ва қишлоқдаги кўплаб саховатли тадбиркор ҳамда фермерларнинг сая-ҳаракати тўғрисида бино қисқа муддат ичида таъмирдан чикарилиб, зарур асбоб-анжомлар билан тўлиқ жиҳозланди. Мазкур шифо масканида аҳолига жаҳон андозалари даражасидаги тиббий хизматни йўлга қўйиш режалаштирилган.

ОДИЛ ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири

ЕР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Сирдарё вилоятининг Бобўт туманидаги «Туркистон-2» фермер хўжалиги саккиз йилдан буйи йигирма гектар майдонда галла ва пахта етиштириб, белгиланган мажбуриятларини ортиги билан адо этиб келаётган эди. Аммо негизда туман ҳокимининг ўтган йилнинг июл ойидаги қарори билан ушбу хўжаликка тегишли ўн гектар ер туман ҳокимлиги захирасига олинди ва бу ерда «Асл Панжшерон» фермер хўжалиги ташкил этилди.

Фермер К.Шодиев ерининг бир қисми «Асл Панжшерон» фермер хўжалиги тасарруфига ўтганини эшитгач, тегишли мутасаддиларга учради, бундан натижа чиқмаганидан сўнг, вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди.

«Фермер хўжаликлари тўғрисида-ги қонуннинг 13-моддасида «Ер участкасининг улчами ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлигининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин»лиги кўрсатиб ўтилган. Шундан келиб чиқиб, бу ҳолат қонунга зид, деган хулосага келди, — дейди вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи А.Қўзиёв.

Хуллас, бошқарма аралашуви билан жорий йилнинг март ойида туман ҳокимлигининг «Асл Панжшерон» фермер хўжалиги билан тузган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномаси бекор қилинди. Ер ўз эгасига қайтарилди.

(УЗА)

Бу ишлар учун 200 миллион сўм агрофида маблағ сарфланди. «Тут» кишлоғида бир йўла 50 кишини қабул қилиш қувватига эга замонавий кишлоқ врачлик пункти хўжалик маблағи ҳисобига бунёд этилди.

Қурилиш ишларини «Самарқанд-геология» қурилиш фирмаси бунёдкорлари амалга оширдилар. Қисқа фурсатда барпо этилган мазкур масканда аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиломоқда. 20 миллион сўмлик юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар олиб

қилинди. Ўнлаб келин-кувларнинг никоҳ тўйлари хўжалик ва ҳомийлар томонидан ўтказилляпти.

— Фермер хўжаликлари сони тобора ортиб бормоқда, — дейди хўжалик раҳбари Аваз Эргашев. — Жорий йилда 9 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, 620 гектар ер майдони ажратиб берилди. Натижада ишсизлик муаммоси ҳал қилинди. Хотин-қизларни иш билан мунтазам таъминлаш мақсадида яққа тартибли касаначиликни

нинг таъкидлашича, 12 нафар I ва II гуруҳ ногиронлари, 4 нафар уруш қатнашчилари, 6 нафар ёлғиз кексаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиломоқда. Бу оилаларнинг уйлари таъмирлаб берилди, ҳар байрамда совғасаломлар билан сийланмоқда. Нафақадagi кишилар ҳам эътибордан четда қолмаётгани йўқ.

Ногирон ишчи Ҳожаб Абдуллаевнинг эътирофи эйтишча, саховатли, меҳридор кишиларнинг ҳиммати тўғрисида бирор қандам кам яшамаётим. Ҳар йили бугдой пишиғида дон, мева-чева олиб турибди. Яқинда сигирли бўлибди.

— Туманимизда ҳомийлик ишларига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди марказий касалхона бош шифокори Сайфиддин Мўминов. — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури доирасида ҳар бир кишлоқда кишлоқ врачлик пункти қуриш режалаштирилган. Айни пайтда ана шундай масканлардан 23 таси фаолият кўрсатмоқда. Кейинги 2 йилда 4 та ҚВП қурилади. «Нўш», «Тут», «Ногоҳон», «Сарчашма» кишлоқ врачлик пунктлари ҳамда марказий касалхонанинг жароҳлик, туғруқ, жонлантириш бўлимларида Жаҳон банки томонидан 80 миң АҚШ доллари ҳисобида тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар келтирилди.

«Жомбой текс» қўшма корхонаси 4 миллион, «Жомбой дон маҳсулотлари» корхонаси 6 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамини кўрсатди. Шунингдек, барча муқоабил машина-трактор парклари ва фермер хўжаликларининг саховатли ишлари таҳсинга сазовордир.

Қўпнинг дуоси кўл бўлади, деганларидек, туманда катта бунёдкорлик ишлари амалга ошириллаётир.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири

«Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 50 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар келтирилиб, ўрнатилди. Шунингдек, «Осиё Тараққиёт банки» ҳисобидан 18 миң АҚШ доллари ҳажмида тиббий аппаратлар олинди.

Саховатли қаҳрамоннинг савобли ишлари жуда кўп. 70 та кам таъминланган оилага 60 тонна бугдой тарқатилди. Наврўз байрами кунлари 5 та ноҳор оилага соғин билан совға

йўлга қўйганмиз. Кўплаб аёлларимиз тикувчилик билан машғул. Тадбиркор раҳбарнинг сая-ҳаракати билан ҳар бир кишлоқда спорт майдонлари ташкил этилган. Илкон даражасида спорт заллари ҳам мавжуд. Секцияларга 3 миң нафар ёшлар жалб қилинган.

Эътиборли томони шундаки, ҳар бир дала ширкони қошида спорт-соғломлаштириш марказлари фаолият кўрсатмоқда. «Тут» кишлоғида теннис корти ишлаб турибди. Хўжалик касабана уюшма қўмитаси раиси Улмас Низаматов-



Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири

Истиқлол менинг тақдиримда

ХОРИЖГА МАҲСУЛОТ ЧИҚАРИБ ВАЛЮТА ИШЛАШ НИЯТИДАМИЗ

Истиқлол кўплар қатори бизнинг оилага ҳам ўз нурини сочмоқда. 1993 йилда Қўшқўпир туманидаги «Кенасга» кишлоғида 8 гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил қилдим. Фермер хўжаликни «Довуд» деб атадик. Беш кишини иш билан таъминлаб, икки йил қанд лавлага едик.

Биринчи йили гектаридан 180 центнердан, иккинчи йили 260 центнердан хирмон кўтариб, ўша йили Хоразм вилоятда бу борада рекорд кўрсаткича эришдим ва вилоят ҳокимлиги томонидан «Дамас» машинаси билан тақдирландим.

Ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, маҳаллий ўғит билан бойитиб боришимиз тўғрисида пахтадан шартномавий режаларни мутасаддилар билан бажардик. Натижада даромадимиз кўпайиб, ўғилларимни уйлантириб, уйлajoйли қилдим. Уч нафар ўғлим ва битта қизимдан 12 нафар неварам бор. Фермер хўжалигимиз учун битта «Олтой» русумли суриш, «Т-28» хайдов трактори, юк машинаси ва «Нексис» русумли ёлғиз автомобил хизмат қилиб турибди.

Ўтган йил фермер хўжалиги ерларини кенгайтириб, ана 20 гектар ер қўшиб олдик ва 16 иш ўрни яратдик. Қўшқўпир туман ҳокимлиги фермерлар учун етарли иш шартноларини яратиб, кишлоғимизнинг ўзиде ёқилга қўйиш ва минерал ўғит шохбосчаси ташкил қилди. Муқоабил машина трактор паркни техника билан бойитди. Натижада ишларимиз анча яхшиланди. Ўтган йили 28 гектар майдонга чигит экиб, 32 центнердан хирмон кўтардик. 14 миллион сўм соф даромад олдик. Шу даромадининг 1 миллион сўми-

лигида бир пайтлар ишлаб турган, кейинчалик деярли йўқ бўлиб кетган гишт заводини сотиб олдик ва унинг тиклаш чора-тадбирларини кўраямиз. Заводни ишга туширсак, бу ерда ана 50 ишчи ўрни яратилади. Шунингдек, келгуси йили помидорни қайта ишлайдиган цех очиб ниятдаимиз. Унда тайёрланган маҳсулотларни хорижга сотиб, валюта ишламоқчимиз. Ана шунда ана 50 ишчи ўрни очилади. Хуллас, астойдил меҳнат қилган одам кам бўлмайдиган замона эришдик. Бундай бахтни бизга истиқлол берди.

Худойберган БОБОЖОНОВ, Қўшқўпир туманидаги «Довуд» фермер хўжалиги раҳбари

Тадбиркорлар давримизнинг илғор фикрловчи, ундабурч кишиларини сифатида талқин этилаётимиз. Шунинг учун уларга барча имкониятлар эшиги ланг очиб қўйилган. Ишлайман, юртим, оилам учун қўйиб ёнман, деганларга ҳеч бир монелик йўқ. Аммо ана шу ишонч, имкониятини суни-истеъмол қилаётганлар йўқ эмас. Энг ачинарлиси, бундайлар қилмиши ҳам иқтисодиётга, ҳам тараққиётга тўсик бўляпти.

Тадбиркорлик юки оғир, масъулиятли. Бундай юкка елка тутганлар ўз ақл-заковати ва қобилиятини ҳам ҳис этиши лозим. Айримлар дўпписини ерга қўйиб обдон ўйлаб кўрмасдан, таваккалга иш туттишни хуш кўради. Оқолтин туманида яшовчи И. Саматов ҳам шундайлардан қилич қолди. «Андижон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидан 38 гектар ер майдонини қўлга қиритган эди. Лекин у бошқарган «Келди Раҳмон» фермер хўжалиги фаолиятига назар ташлаб, деҳқончиликда муайян юксалишни кузатмадик. Аксична, давлатга галла-пахта сотишдаги шартномавий режалар барбод қилинган. Ҳосилдорлик кескин пасайиб кетган.

Барибир икки йил қўйиб берилди. Аммо ана шу даврдан оқилонга фойдаланилмади. Оқибатда 2004 йили

Сирдарё вилоят хўжалик су-дининг ҳал қилув қарори билан ижара шартномаси бекор қилиниб, фермер хўжалиги фаолияти тугатилди.

Оқ олтин туман ҳокимининг 2005 йил 19 январдаги 95-сонли қарори билан ушбу худудда «Зафар Қобил набираси» фермер хўжалиги ташкил этилган эди. Унинг раҳбари Зафар Қобуловнинг эътирофи эйтишча, у дала юмушларига аралашмаган. Барча ишларни қайнотаси И. Саматов адо этиб юрган. 3.Қобулов эса фахрий раис сифатида хужжатларга имзо чекиб турган. Масалани ҳолисона кўрган суд бу уйинга ҳам чек қўйди. Ер қайтариб олинди. Энди нима бўлганда ҳам у ўз соҳибига топшири-лиши керак. Ақс ҳолда 38 гектар ерининг умри ана бекор ўтаверанди.

Банкротлик бозор тамойили. Иқтисодиётда бу жараён ўз беришига табиий бир

ҳолат, деб қаралади. Бу ер соҳибларини ҳам четлаб ўтма-япти. Айниқса, Сирдарё фер-мерлари орасида бундай аҳволга тушганлар оз эмас. Масалан, Бобўт туманидаги «Бирлашган» фермер хўжали-ги иқтисодий ноҳор ҳолатга келиб қолди. 2001 йилда иш бошлаб, кейинги уч йилда ин-қирознинг чўққисига қа-ўта-рилди. Жами пул мажбурият-

эти. Энг ачинарлиси, ҳар ик-кала тадбиркорлик субъектла-ри ҳам мавжуд қарзларни қо-лашга қодир эмас.

Ана юқоридаги фермер хўжалигига келсак, иш жи-ло-ви 3.Қобуловнинг қайнотаси И. Саматов қўлида қолди. Не-гаки, Зафарда деҳқончиликка иштиёқ ҳам, ҳавас ҳам бўлма-ган. Қолаверса, бу соҳада ма-ълумоти ҳам йўқ. Хужжатбоз-

ликка тоқати етмайди. Афт-и-дан И. Саматов «Келди Раҳ-мон» фермер хўжалигидаги муваффақиятсизлики «Зафар Қобил набираси» қиёфасида тугзатишга жазм этгандир. Нима бўлганда ҳам у ўта осон бу мақсадга етган. Ҳеч бир тендер танловларисиз бой бе-ридан ерини қувви номига расмийлаштириб олган. Бал-ки буни оқолтинлик маъму-лар билмасандир, ёхуд билса-лар ҳам кўз юмиб қўя қолган-дир.

Хуллас, «Зафар Қобил на-

ЎЙИН

Мулоҳаза учун мавзу

бирасининг иш бошқарувчи-си И. Саматов йиқилган ку-рашга тўймас қабилида ана энг шимарди. Ўтган йили 47,8 тонна пахта топширишга шар-тнома имзолаб, катта-катта ваъдалар берганди. Аммо ғал-вир сувдан ана куруқ чикди. Отни қамчилай-қамчилай, зўрга 12,1 тонна пахта топ-ширди. Шартномавий режа 25,3 фоизга уддаланди. Иш юритувчи зиммага олган маж-буриятларнинг бажарилмай қолшига сабаб қилиб суҳ тан-қислигини кўрсатди. Ваҳолан-ки, у мавсум мобайнида ҳеч бир идорага бу ҳақда расмий мурожаат этмаган. Ерининг та-биий шароитини, дала аҳо-лини И. Саматов яхши би-ларди. Ахир қатор йилларди-ки у ана шу далаларни одим-лаб чиққан. Унга ҳар бир ке-сар, ҳар бир эгат шу даврда ёд бўлиб кетиши керак эди.

Аслида далага эгалик қилиш бошқа-ю деҳқончиликдаги ўқув бошқа нарса. Иш бошқа-рувчига ана шу хислат ети-ша-маган чоғи. Туман ҳокимли-ги бу хатоликка чек қўйишни пайига тушди. Яъни вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суд мажлисида туга-

тиш комиссиясининг ҳар ик-кала фермер тўғрисидаги ари-заси қаноатланрилди.

Ер олиб, уладасидан чиқол-масдан, ўтириб қолаётганлар-дан сафни тозалаш фойдадан холи эмас, албатта. Аммо ма-саланинг бошқа бир томони назардан четда қолаётир. Ахир инқирозга юз тутган мулкдор нафақат ўзи, балки давлат ҳамда қатор ташкилотларга иқтисодий зарар етказаяпти. Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриш керак.

Айрим фермерлар «ҳисоби-да мол-мулки йўқ», деб хуло-са берган тугатиш комиссия-ларининг кўнгилчанлигидан фойдаланиб қолишаяпти. Ва-ҳоланки, қонун ҳужжатларида, фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақ-дирда фермер хўжалиги раҳ-бари ўзининг шахсий мол-мул-ки билан қонун ҳужжатларида мувофиқ субсидияр жаов бе-ради, дейилган. Негадир бу масала тугатиш комиссияри нисоҳидан четда қоляпти.

Абдумўмин АБДУЛЛАЕВ, Тоҳиржон ТОҲИБОВЕВ, Сирдарё вилоят хўжалик суди судьялари

Истиклол қончилар шахри — Зарафшонлик аёллар ҳаётида ҳам янгилашни, яшаш-яратиш даврини бошлаб берди. Айниқса, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан химоялашда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш мумкинки, соғлом оилани қарор топтириш, маҳаллада маънавий-ахлоқий тарбияни, ёшлар онгига яхши анъана ва урф-одатларни синдириш бугунги кунда хотин-қизлар олдига турган энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Яқинда шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Элегант» ресторанида ўтказилган «Сенга таъзим, муқаддас аёл» тадбирида ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида фаол ана шундай хотин-қизлардан 11 нафарига шаҳар ҳокимининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари топширилди. Улар орасида республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ташкил этилган «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти танловининг ғолиблари ҳам бор. Жумладан, Зарафшон шахридаги академик лицей талабаси бўлган Гулнора Назарова танлов ғолиби, деб топилган. Маннон Уйғур номидаги Тошкент санъат институтининг Санъатшунослик журналисти-

ЗАРАФШОН БАТАЛИМАРИ

каси факультетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинган эди. Бу анъана санъат йўналиши бўйича ҳам давом эттирилиб, Зарафшон санъат касб-хуна коллежи 3-босқич талабаси Гавхарой Очилова республика босқичига тавсия қилинди. Тадбирда ана шу қизларимиз рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди. Шаҳарда аёл меҳнатини улуғловчи турли тадбирлар ўтказиш тобора анъана тусига кириб бормоқда. Яқинда қончилар 3-қасаба уюшмалари бирлашмаси ҳамда шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан қизлар

мукофотланди. Шунингдек, Халқаро Болаларни химоя қилиш кўмитаси билан шаҳарда «Хар доим бўлсин тинчлик» шiori остида асфальтга сурат чизиш бўйича кўрик ҳамда спорт беллашувлари ўтказилди. Ғолиблар «Маҳалла» жамғармаси томонидан тақдирландилар.

Шунингдек, шаҳарнинг Шахтёр маҳалласида ўтказилган «Энг ибратли келин», Курувчи маҳалласидаги «Маҳалланинг энг ибратли боласи», «Геолог», «Баҳор» маҳаллаларидаги «Энг чиройли дастурхон», «Зарафшон» маҳалласидаги «Энг одил

қўзал ва кўркям шаҳарларидан бирига айланди. Халқаро «Экосан» жамғармаси томонидан ўтказилган «шахримизни юксак санитария маданияти ўлкасига айлантирамиз» республика кўрик-танловида Зарафшонлик хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этишди. Хотин-қизлар кўмитасининг сай-ҳаракати билан шаҳримиз республикада фахрли 1-ўринни эгаллади ва 2 миллион сўм миқдордаги мукофотга сазовор бўлди. Аҳолининг энг ноқор қатламларини ижтимоий химоя қилиш масалаларида ҳамда алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, боқувчиси

йўқ, ногирон, ёлғиз оналардан 3 нафарига шаҳар хотин-қизлар кўмитаси аралашуви билан ишчилар ётоқхоналарида алоҳида хоналар ажратиб берилди. Бундай ғамхўрликдан жазо муддатини ўтаётган аёллар ҳам четда қолмади. Жумладан, Дилором Кулигина, ўтказилган тадбирга асосан минг нафардан ортиқ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда, 100 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ва ярим етим болалар шаҳардаги 7-ошхонада хар кун уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқда.

Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси хотин-қизларнинг хар бир мурожаатига катта эътибор ва сичқовлик билан муносабатда бўлмоқда. Шаҳарда улар учун иш ўринлари яратиш ва ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишга катта эътибор қаратилди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 501 нафар хотин-қизга янги иш ўринлари яратилди. 13 нафар тадбиркор аёлга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун 87 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Наталья Багаутдинова, Хайринисо ва Сарвиноз Хамраевалар каби маҳкумлар оиласига ҳам ҳоимийлар, мутасадди ташкилотлар ёрдами қаратилмоқда. Масалан, Н.Багаутдинованинг синглиси имтиёзли равишда касб-хуна коллежига ўқишга жойланди ва унинг 177,5 минг сўм миқдордаги коммунал тўловлар учун қарзини тўлашга ёрдам кўрсатилди. 50 минг сўм миқдорда ёрдам пули берилиб, маҳалла томонидан нафақа йўлга қўйилди.

Барча маҳалла, шаҳар фуқаролар йигинларида «Ҳоимийлар ва шифкорлар йили» муносабати билан

Зулхумор ЖҲРАЕВА, Зарафшон шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси

МАСЛАҲАТХОНА

Саволларингизга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими Отабек Азимов жавоб беради

Савол: Корхона томонидан касаначи фойдаланиши учун берилган асбоб-ускуналар мулк солиғига тортиладими?

А.ҲАКИМОВ, Шўрчи тумани

Жавоб: «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга асосан товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил мuddатга, меҳнат шартномаси асосида, касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинган. Шунингдек, корхоналарга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шarti билан бериш ҳамда лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳам кафолатланган. Бундан ташқари корхона томонидан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилган.

Савол: шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида фаолият юритувчи шахсга пенсия тайинланганда сугурта бадалли тўланганлиги ҳисобга олинмади?

К.ЗОИРОВ, Хатирчи тумани

Жавоб: «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилади ва пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, ушбу хўжалиқда қорамол боқиш билан банд бўлган жисмоний шахслар учун пенсия тайинлашда меҳнат стажлари томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик ҳақининг камиди 50 фоизи миқдорда ойлик сугурта бадаллари тўланган тақдирда ҳисобга олинмади.

Саволингизга Хоразм вилоят ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутахассиси А. Хўжаев жавоб беради

Савол: Мавсумий иш (экиш ва йигим-терим) даврида ходим белгиланган иш соатидан ортиқча ишлашга жалб қилиниши мумкинми?

С.АМИНОВ, Богот тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунларида хўжалик аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун хавфсиз меҳнат шaroити яратиш белгилаб қўйилган.

Шу боис, зарурат туғилишидан қатъий назар, иш смена усулида ташкил этилиб, хар бир ишловчи учун кундалик иш вақти 10 соатдан ошмаслиги керак. Сабabi, машина ва агрегатларнинг ҳаракатланувчи қисмлари хавфлилиги боис мажбуран ишлаш жараёнида трактор ҳайдовчиси ёки бошқа ходимнинг чарчashi оқибатида салбий ҳолатлар келиб чиқиши мумкин.

Интернет хабарномасида

«VOLKSWAGEN» РОССИЯДА ЙИГИЛАДИ

Россия Федерацияси иқтисодни ривожлантириш вазири ўринбосари Кирилл Андросовнинг таъкидлашича, «VOLKSWAGEN» русумли немис автомобиллини йиғиш бўйича шартномага шу ойнанинг охирига бориб қўл қўйилиши мумкин.

Заводни куриш учун Ярослав, Калуга, Москва ва Владимир вилоятларидаги бир неча майдон кўриб чиқилмоқда. У 2007 йил охирига бориб маҳсулот бера бошлайди. Автомобилга эҳтиёт қисмларни шу ернинг ўзида тайёрлаш эса кейинроқ амалга оширилади. Агар қўшма корхона ишга тушса, йилига 115 минг дона машина ишлаб чиқариш имконияти туғилади. Шунинг алоҳида айтиш жоизки, завод фақат Россия бозори учун ишлайди. Яқин келажақда «Nissan» компанияси ҳам Россияда ўзининг автомобилларини йиғишни йўлга қўйиш ниятида.

Хозирги кунда Всеволожскда «Ford», Москвада «Renault», Калининградда «General Motors», «BMW», «KIA» ва «Chery» машиналари йиғилмоқда.

АЛЬПИНИСТЛАРНИ ИЗЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Эльбрус тоғларида йўқолиб қолган альпинистларни излаш учун 50 нафар кўтарувчи жалб қилинди. Бу ҳақда Россия фавқулодда вазиятдаги вазирлигининг Шарқдаги ҳудудий марказ матбуот хизмати вакили хабар қилди. Унинг гапига қараганда, бунинг учун «Ка-32» русумли ФВВ вертолети учишга тайёрланмоқда. Бундан ташқари кидирув ишларини олиб бориш ва вафот этганларнинг жасадини тоғдан олиб тушиш учун «Эльбрус-Авиа» авиакомпаниясининг вертолети ҳам жалб қилинган.

Гап шундаки, Эльбрус тоғларига кўтарилган 8 нафар альпинист билан шу йилнинг 8 май кўни алоқа узилиб қолган. 2 минг 200 метр баландликдан топилган альпинистнинг айтишича, 9 май кўни чамаси 20.00 ларда об-ҳавонинг ёмонлашганлиги боис улар 4 та гуруҳга бўлинди, пастга тushа бошлаган. Уларнинг охириги кўноги чамаси 5 минг метр баландликда Пастухов чўққиси бўлган.

Шу йилнинг 11 май кўни 5 минг 300 метр баландликда 7 нафар альпинистларнинг жасади топилди. Уларнинг шахсий буюмлари ва палаткалари ҳам шу ерда эди.

ДАЛА ҲОВЛИДАН ТОПИЛГАН ГРАНАТАЛАР

Кўни кеча Амурск вилояти Шимановск шаҳри яқинидаги дала ҳовлиларининг биридан 10 та граната топилди. Бу жанговар қуролни уш эгаси ким майдонига қартошқа экатганда сезиб қолди. У шу заҳоти милицияга хабар қилди. Шундан кейин дала ҳовли қурлат олинди ва мутахассислар томонидан гранаталар торлатилди.

ГРУЗИЯДА СУВ ТОШҚИНИ

Тинимсиз ёмғир ёққанлиги оқибатида Грузиянинг марказий ва жанубий вилоятларида сув тошқини бўлди. Бундан айниқса Кахетия ҳудудида яшовчилар жабр кўрди. Чўки ушбу ҳудуддан оқиб ўтадиган Алазан дарёси тўлиб-тошганлигидан ўзанидан чиқиб кетди. Маҳаллий аҳолининг гувоҳлик беришича, тошқиннинг қучлилигидан вино тўлдирилиб ерга қўйилган қўзалар ҳам сув устига қалқиб чиққан.

— Фаоқат тунги соат учларда содир бўлди, — дейди шу ерда истикомат қилувчи Цира Гигаури. — Кўп ўтмай, у иккинчи қаватга кўтарилди.

Хуллас, сув тошқини Алазан водийсининг минглаб гектар экинзорларини йўқ қилди, автомобил йўлларини ювиб кетди. Икки юздан ортиқ қўв остида қолди.

ЭРОН НЕФТ КЎВУРИНИ КАСПИЙ ДЕНГИЗИ ОСТИДАН ЎТТИШИГА ҚАРШИ

Эроннинг Қозоғистондаги элчиси Рамин Меҳмондуст Алматыда «IRNA» агентлигига берган интервьюсида унинг мамлақати Каспий денгизи орқали ўтадиган нефт қувури қурилишига қарши эканлигини билдирди. У бу муаммо биринчи марта айтилмаётганини ҳам эслатиб ўтди. Унинг фикрича, Каспийга чиқиб хукукига эга бешта мамлакат денгизнинг халқаро нормалардаги ҳуқуқини ишлаб чиқиши ва унга асосланган ҳолда шартномалар тузиши керак.

Эслатиб ўтамиз: яқинда Қозоғистон бosh вазири Даниал Аҳметов Қашаган қонидаги нефтни денгиз тубидан Озарбайжон томонга ўтказиш учун қурилиш ишлари бошланиши мумкинлигини айтган эди. Ундан кейин у ушбу мамлакат Бакудан Эрзерумга борадиган «Транскаспий газ қувури» қурилишига ҳам иштирок этишини билдирган.



X.МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Жиззах вилоят «Ўлкашунослик музейи» ташкил топганига бу йил йигирма йил тўлади. Ўтган шу даврда илмий-тадқиқот ишлари, музей фондларини тўлдирish, илмий фонд, илмий-экспозиция ва кўргазма юмушлари, илмий-оммавий фаолият борасида кўплаб ишлар амалга оширилди.

Хозирги кунда музей 4 та филиал ва 6 та бўлимдан иборат. Улардаги экспонатлар сони 19 минг 404 тани ташкил этиб, шундан 4043 таси асосий, 15 минг 361 таси эса ёрдамчи фондда сақланмоқда.

Илмий ҳодимларимизнинг кенг жамоатчиликка таяниб фаолият юритишавгани, уларнинг фаол илмий изланишлари тўғрисида экспонатларимиз бойиб бораяпти. Биргина ўтган йили музейнинг асосий фондида олинган буюмлар сони 74 тани ташкил этди. Шундан 3 таси «энг ноёб ашёлар» сифатида эътироф этилди. Улар орасида XX асрга мансуб «жун дастурхон» бўлиб, тўя жунидан тайёрланган.

Тарих бўлими яна бир янги экспонат билан бойиганини томошабинлар мамнуулик билан эътироф этишмоқда. Жиззах шаҳрининг шарқий



қисмида жойлашган «Ўрта Сулокли» маҳалласида яшовчи И.Донобоев хонадонидан милдий VI-VI асрларга оид «Хум Остодон» топилди. Ўртача сифат даражасида пиширилган хумнинг баландлиги 189 сантиметр, гардиш диаметри 250 сантиметр, остки диаметри эса 55 сантиметр. Сиртки томони қизил анғоб бўлган «Хум-Остодон» зардуштийлик динининг урф-одати билан боғлиқ. Уни музейга олиб келишда Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги «Иқтидорли болалар» лицейи директори, Ўзбекистон қарамони Марат Зокировнинг хиссаси катта бўлди. Самарқанддаги Археология институти катта илмий ходими таъмирловчи уста Б.Болиев томонидан таъмирланган бу ноёб топилма тарих бўлими томошабинлариде катта қизиқиш уйғотмоқда.

Музей фондида янгилик яратиш устида иш олиб бо-

МОЗИЙДАН СЎЗ ОЧУР бу рангин дунё

нинг қатнашчиларига ходимларимиз бепул хизмат кўрсатишаяпти.

Ноёб ва нодир экспонатлар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг фотосуратлари интернет тармоғига қўйилгани воҳа тарихий ўтмишини оламга кўз-кўз этиш имконини беради. Улар орасида XIX-XX асрга оид «Чопон парча» (Жиззах мактаби), «Хуржун гилам» (Бахмал мактаби), «Хум Остодон» (Жиззах шаҳри) сингари 18 номдаги экспонатлар бор.

Жамоамизда меҳнат қилаётган жами 85 кишининг 31 нафарини илмий ходимлар ташкил этади. Ф.Мўминова, Қ.Ҳақназарова, М.Дўлиева, Қ.Зиёева сингари илмий ходимларнинг изланишлари ва экспедициялари самараси ўлароқ воҳамиз ўтмиши ва тарихи томошабинларимиз кўз олдига янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Мамаражаб ТАНИРОВ, Жиззах вилоят «Ўлкашунослик музейи» раҳбари Суратларда: музей ҳаётидан лавҳалар акс этган

Бўшлангич баҳоси — 40 332 500 сўм

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бoшлангич баҳосининг 10 фоиз миқдорда гаров пули тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш, савдодан бир соат олдин тўхтатилади. Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар, хар ҳафтанинг сешанба кўни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 1-уй. Телефон 138-69-70

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ёпиқ акционерлик жамияти 2006 йил 19 май кўни соат 11.00. да РКМБ биноси, 4 қаватдаги катта мажлислар залида акционерларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартибига «Республика Кўчмас мулк биржаси» ёпиқ акционерлик жамияти Қузатув кенгаши янги таркибини сайлаш ва бошқа масалалар киритилган.

Манзил: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 дахаси, М.Уразбоев кўчаси, 1 «А» уй. Телефонлар: 399 80 31, 399 80 26

Қузатув кенгаши

Касаба уюшма тадбири

Донишманд ота ўлига насиҳат қилди:
— Вақти-соати келиб бировга яхшилик қилсанг, эвазига мол-дунё сўраб ўтирма, дуо ол. Дуо ҳам турли бўлур. Сен яхшиси тинчлик-омонлик, соғлиқ-саломатлик тила. Асло кам бўлмагисан, илло, тинчлик-омонлик, соғлиқ-саломатлик бўлса, дунё неъматларининг эшиклари ўз-ўзидан очилур...



Меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси деганда уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлишлари назарда тути-

валдан белгилаб қўйилгандек уч босқич бўйича солиқликка эришган ишчи ва хизматчилар иштирок этишади, — дейди Фарғо-

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА СПАРТАКИАДАСИ ҚИШЛОҚДА ЎТКАЗИЛАДИ

лиши, жамоа шартномалари ва келишувларида ушбу жиҳатларга урув берилиши бежизга эмас. Соғлом танда — соғ ақл, деганларидек тани-жони бешикка одамгина ўзига юклатилган юмушни беками-кўст адо этишга қодир. Ўз вақтида ва сифатли бажарилган меҳнат маҳсули учун эса яхши ҳақ тўлиниши ҳам бор гап.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Раёсати қарори билан мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги ҳамда Хомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб 18 майда Фарғона вилоятида бошланадиган Республика қишлоқ спартакиадаси ҳам ана шу эзгу мақсадларни кўзда тутди.

Спартакиадага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Низомида таъкидланишича, мусобақаларда фақат қишлоқда яшайдиган ишчи ва хизматчиларнинг иштироки эҳтиёт қилиниши керак. Спорт турлари бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида қатнашган ҳамда мамлакат терма жамоаси аъзолари, олий ва ўрта махсус ўқув юртинларнинг талаба ва ўқувчилари, ички ишлар органлари ходимлари, ҳарбий хизматчилар мусобақага қўйилмади. Бунинг маъноси шунки, мазкур спартакиадада, албатта, ўзига ҳос рекорд натижага эришилади, бу — ҳалоллик, ҳаққонийлик ва самимий муносабатлар тантанасидир.

на вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари билан бирлашган кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Валишер Азизов. — Меҳмонларимиз ўзларини ўз уйларидагидек ҳис қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Дарвоқе, республика қишлоқ спартакиадаси Куваёсой шаҳрининг Арсиф қишлоғидаги Аҳмад ал-Фарғоний номида дам олиш уйида ўтказилади. Ушбу дам олиш уйи вилоятнинг бағоят сўлим ва ҳушманзара масканида жойлашган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келадиган 300 нафар спортчини ўз бағрига олиш имкониятига эга. Бошқача айтганда, барча бир ерда яшайди, бирга овқатланади ва албатта, ким кучли, ким эҳчил ва ким закий деган саволга ҳам биргаликда, эски қадрдонлардек жавоб излайди.

Майдон эгаларига деворлар ҳам ёрдам беради, деган нақл бор.

— Лекин пухта ҳозирлик кўрилмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, — дейди мини футбол бўйича Фарғона вилоят жамоаси мураббийи Аркадий Пишчук. — Шу боис муҳлисларимиз олдида уялиб қолмаслик учун машғулотларга зур бераймиз. Албатта, бошқа жамоалар ҳам фақат галаба истагиди. Бинобарин, учрашувлар мurosасиз, курашларга бой бўлишини тахмин қилиш мумкин.

Бошқа спорт турларида ҳам фарғоналиклар улукни ҳеч кимга бермаслик

учун астойдил ҳаракат қилишлари турган гап. Айнакча, шашка бўйича вилоят мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритган Зайнаб

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Сафина, стол тенниси сирларини пухта эгаллаган Нилуфар Сотволдиева қабиларнинг галабага бўлган иштиёқи анча баланд.

Қишлоқ спартакиадаси дастурига киритилган шахмат, шашка, стол тенниси, тош кўтариш спорт турларини дам олиш уйида ўтказиш режалаштирилган. Мини футбол бўйича мусобақаларни эса муҳлис Арсиф қишлоғидаги ўйингоҳда томоша қиладилар. Кези келганда алоҳида қайд этиш лозимки, бундай катта спорт анжуманининг қишлоқда ўтказилаётганидан нафақат катталар, шунингдек ёш болалар ҳам хурсанд.

Хуллас, бугун Арсиф байрамони қайфият оғушида. Бошқача айтганда, спартакиада ўтказишдан қўзланган биринчи шарт бажарилди. Бу ёри мусобақа иштирокчиларининг ўзига боғлиқ.

З.РИХСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Илгарилари Кашкадарёда спортнинг бадий гимнастика турига етарли эътибор берилмас эди. Вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдами билан қиска муддатда мўъжазгина зал қурилиб, жиҳозланди.

Ҳамма вақт биринчи қадамни босиб қийин. Дастлаб осон кечмади. Машғулотларга шахар мактабларининг ўқувчилари жалб этилди. Бош мураббий Вера Сергеевна Катаеванинг отаналар, маҳалла фаоллари, мактаб раҳбарлари билан бирма-бир гаплашиб чиқишга тўғри келди. Энг қобилиятли ёшлар гуруҳларга танлаб олинди.

Сирдан қараганда бадий гимнастика осонга ўхшайди. Аслида эса бундай эмас. Спортнинг бу тури анча мураккаб бўлиб, қўллаб жараёнларни ўз ичига олади.

Бадий гимнастикани санъатга қийлаш мумкин. Чунки спортчи чақон ва эҳчил ҳаракатларга турли машқларни бажариши, маълум дастурга асосланган маззурларни гузал ўйинларда нафислик билан ихро этиши

НАФОСАТГА ОШУФТА КЎНГИЛ

Вера опанинг гуруҳи турли ёшдаги болалардан шаклланди. Вилоятдаги энг ёш жамоалардан. Аъзолари ҳам ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган навқирон авлод вакилларидан ташкил топган. Гимнастикчи Холида Соҳибова эндигина олти, Севара Қобулова етти баҳорни кўрган. Энг каттаси мучал ёшига етган.

Ҳар қандай спорт интизомлиликни тақозо этади. Изаолани, маҳорат, интилиш, энг муҳими қийинчиликларга чида керак. Гиламда 6-7 соатлаб эринмасдан машқ қилишга, мураббийни қоник-

тирмаган ҳаракатларни қайта-қайта бажаришга тўғри келади.

— Мана бир йилдирки, кулай ва кенг мажмуада иш олиб бораяпмиз, — дейди мураббий қониқиш билан.

— Яратилган шайтонга муносиб жавоб қайтариб, ишончи оқлашимиз лозим.

Кўрилган чора-тадбирларнинг самараси ўлароқ Шаҳрибасба, Китоб, Муборак, Яқкабоғ каби туманларда гимнастикчилар жамоаси шаклланиб, иқтидорли қизлар жалб қилинди. Бадий гимнастикага қизиқувчи ёшлар кўпайди.

«Умид ниҳоллари - 2006» мусобақаларида вилоят шарофтини Вера Катаева раҳбар бўлган жамоа ҳимоя қилиб, муайян муваффақиятларга эришти. Қарши шаҳридаги 11-,15-,26- мактабларнинг 3-,4- ва 6-синфларида таълим

Бадий гимнастика

олаётган Лиоза Фаниева, Жена Алимбекова, Нилуфар Рустомова, Катерина Карандиналар бўлажак мусобақаларга пухта



тайёргарлик кўрганликларини намоиш этдилар.

— 2003 йилда Ҳоразм воҳасининг Урганч шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг республика босқичида терма жамоамиздан олти нафар бадий гимнастикачи катнашиб, илк бор ўз қучларини синаб кўрдилар, — дейди вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи У.Нусуров. — Ушунда қизларимиз умумжамоа ҳисобида яхши натижаларга эришмаган бўлишса ҳам спортнинг бу мураккаб турига қизиқишлари катта эканлигини намоиш қилган эдилар. Бу йилги

мусобақалар уларнинг саёй-ҳаракати ўз самарасини бера бошлаганини кўрсатмоқда.

Вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби зами. Устознинг баланд овози қизларни гиламга чорлайди. Уларнинг чақон ҳаракатларини кўзатар экансиз, гузаллик ва нафосат маликларининг бадий гимнастикага иштиёқи юксаклигини сезасиз.

И.ИСОМИДИНОВ

ҚИСКА САТРЛАРДА

Теннис НАДАЛЬ —ТУРНИР ФОЛИБИ

Италия пойтахти Римда ниҳоясига етган «Мастерс» туркумига кирувчи халқаро турнир финалида испаниялик Рафаэль Надаль мurosасиз баҳсда АТР таснифи пешқадами швейцариялик Роже Федерерни 6:7, 7:6, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, швейцариялик теннисчи ярим финалда Налбандянга қарши ўйинда кўп куч сарфлагани боис финалда имкониятни бой берган. Аммо, у ҳамон жаҳон теннис таснифида биринчи бўлиб турибди. Кейинги ўйинда унинг асосий рақибиди Надаль бормоқда.

АНЬАНАГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Россиялик Надежда Петрова бу йилги мавсумда АТР таснифида кирувчи туртинчи халқаро турнирда зафар қўчди.

Берлин шаҳрида ўтган қумли кортлардаги мусобақа финалида у белгиялик Жюстин-Энен-Арденни енгишга муваффақ бўлди. Бу финал баҳсининг ўзига ҳос жиҳати шундаки, ўтган йилги турнир финалида ҳам бу икки теннисчи ўзаро рўбарў келганди. Унда белгиялик теннис устаси зафар қўчганди. Умуман, бу теннисчи қиз россиялик спортчиларга кўпдан буюн ютқазмаи келаётган эди. Петрова унинг анъанасига чек қўйиш билан бирга, аёллар теннис рўйхатида 4-ўринда мустаҳкамланиб олди.

Бокс УНВОНЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ЖАНГ

Ўта оғир вазнда WBO йўналишида жаҳон олий бораётган белоруссиялик Сергей Ляхович ўтган ой бошида Леймон Брюстер устидан қозонган галабаси тўғрйли чемпионликка эришган эди. У энди ҳар икки йўналиш бўйича чемпионлик камари учун россиялик WBA чемпиони Николай Валуевга қарши рингга чиқиши мумкинлигини билдирган.

— Ҳозирги пайтда ҳар иккимиз ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони саналамиз, — деган у. — Эшитишимча, у ҳар икки йўналишда чемпион бўлишни истаيدди. Менинг хоҳишим ҳам шундай. Шу боис у билан жон деб орани очиб қилган бўлардим.

Енгил атлетика ЯНГИ ЖАҲОН РЕКОРДИ

Олимпияда ўйинлари чемпиони америкалик Жастин Гэтлин 100 метрлик масофага югуришда янги жаҳон рекордини ўрнатди.

Қатар пойтахти Доҳада ўтган Гран-при мусобақаларида у аввалги жаҳон рекордини 0,01 сонияга янгилади. Шундай қилиб, Гэтлин бу масофани 9,76 сонияда босиб ўтиб, ямайкалик Асафи Пауэллни ортда қолдирди.

Футбол КАТТАЛАРГА ЎРНАК БЎЛДИ

Люксембург шаҳрида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Европа чемпиони бахслари ниҳоясига етди. Унда Россия ўсмирлар терма жамоаси финалда Чехия вакиллариини пеналтилар сериясида мағлубиятга учратди. Аслида ҳам улар ушбу биринчиликда чемпионлик номига муносиб ўйин кўрсатдилар. Ярим финалда асосий даъвогар Германия терма жамоаси «тор-мор» этилди.

Игорь Коваленко шогирдлари бу муваффақияти билан терма жамоада ўйнайдиган катталарни уялтириб қўйди. Ҳақиқатдан ҳам жаҳон чемпиони йўлланмасига эриша олмаган Россия катталар терма жамоаси укалари олдида қизаршига лойиқдир.

ШЕВЧЕНКО «ЧЕЛСИ» ГА ЎТАДИМИ?

Лондоннинг «Челси» жамоаси ўз сафига Андрей Шевченкони жалб этиш истагиди.

Авалроқ 29-ёшли ҳужумчи «Милан» жамоаси сафидан кетмоқчи эканини билдирган эди. «Челси» мураббийи Жозе Моуриньо эса «Юкори классли футболчига эҳтиёж борлигини» айтган. Агар томонлар келишувга эришса, Шевченко келаси мавсумдан бошлаб Роман Абрамович жамоасида тўп суради.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ҲОМИЙЛАР РАҒБАТИ

Кизилтепа тумани Тошрабат қишлоғидаги Сайдамурод Панов ўғли номида 36-маҳсус мактаб-интернатда жисмоний тарбия ва спортга болаларни соғломлаштиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида қаралмоқда.

Ўтган йили Тошкентда ноғирон болалар I Осиё олимпиада ўйинларида мини футбол бўйича мактаб-интернат ўқувчиси Хасан Очиллов Ўзбекистон терма жамоаси сафида фаол ҳаракат қилди.

Бор бўл, оқибат!

Яқинда Навоий шаҳрида ўтказилган биринчи миллий махсус олимпиада ўйинларида ўқув даргоҳининг ўғил болалар ва қизлар баскетбол жамоалари муваффақиятли иштирок этди.

Ешларнинг спортга бўлган қизиқиши ҳомийлар томонидан ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, «Маҳалла» жамағатиси ҳамда Ориф Жумаев сингари ҳиммати баланд кишилар томонидан мактаб-интернатга 1,5 миллион сумлик спорт жиҳозлари олиб берилди.

Я.САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Яқин ўртада «Пахтакор» мураббийлари ва захира ўринидагида ўтирган ўйинчилар рақиб дарвозасига киритилган тўпдан сўнг бунчалар қувонмаган бўлсалар керак. Мамлакат чемпионатининг 9-турида биз бунинг гувоҳи бўлдик. Яна қайси жамоа билан денг? Ҳузурнинг «Шўртан» командаси билан кечган учрашув тугашига санокли дақиқалар қолганда логонер футболчи Уче томонидан амалга оширилган гол «Пахтакор» учун муҳим уч оқкони келтирди.

Футболдан ва ички чемпионатимизда юзага келган турнир жадвалидан озгина хабардор муҳлис борки яхши билади: «Пахтакор» клуби энди-энди оёққа туриб келаётган «Шўртан»дан кўп жиҳатларга кўра анча устун туради. Бунга яна амалдаги мамлакат чемпиони гузарликларининг ўз майдонида қабул қилганини қўшимча қиладиган бўлсак, масала муҳиятини англаш учунлик мураккаб туюлмади аниқ. Лекин айнан ушбу, бир қарашда осонгина охиб ўтиладиган наватдаги дован «Пахтакор» ўйинчиларига қутилмаганда катта қийинчилик тугади.

Вақолани, кейинги пайтларда жамоа етакчисига айланган Сервер Желаровнинг голдан сўнг ҳаммаси олдиндан белгиланган режа асосида кетаётгандек таассурот уйғотиб улгурганди. Йўқ, яна бир неча қўлай вазиятлар кўкка совирилган, вақт ўтган сайин дейтнотта тушиб бораётган «Пахтакор» ўзи тўла англаб етмаган ҳолда ўйин тизгини «Шўртан» жамоаси томонга ўтиб бораётганини ҳам билмай қолди. Кўп ўтмай муҳлис ҳавотири бўлиб, «Шўртан» ҳисобни тенглаштирди. Фақат юқориде айтиб ўтганимиздек, захирадан майдонга туширилган Ученинг саёй-ҳаракати тўғрйли режалаштирилган уч оқко яна «Пахтакор»га насиб этди. Бутун учрашув давомида аjoyиб ўйин намои-

иш этган Александр Корнейчукнинг биргина хатоси — зарб билан тепилган тўпни

УЧЕНИНГ ГОЛИ «Пахтакор»га уч очко келтирди

«Пахтакор» ҳужумчиси қичиб келатганини ҳисобга олмай қайтаргани панд берди.

Ҳисоб — 2:1. Шундай қилиб, «Пахтакор» жуда қийинчилик билан бўлса-да, ўз мавқеини сақлаб қолди. У ҳамон чемпионат карванбосиши. «Пахтакор»га бахт кулгани шу бўлса керак-да, измаиз бораётган Муборакнинг «Машвал» клубидан бу турда очикдан-очик омад юз ўғирди. Қашча воҳасининг етакчи жамоаси «Трактор» билан учрашувда 0:0 ҳисобида имзо чекишдан бошқа чора топилмади.

Зукко муштарийларимиз сўзни айнан «Пахтакор» ва «Машвал»дан бошлаганимиз боисини тушуниб етишди, албатта. Бугун ўтиб эртага биз

Мамлакат чемпионати

аввал хабар қилинганидек Тошкентда «Пахтакор» стадионида ўтказилди. Уйин қутилган катта тенг курашлар намоишига айланди. Бошқача айтганда, ҳар икки жамоа галаба қозонишга ва ҳатто дуранг қайд этишга ҳақли эди. Лекин «миллионлар ўйин» деб таърифланмиш ушбу спорт турда омадга ҳам кўп нараса боғлиқ. Бу гал Фарғона футболчиларининг ишлари

ни 22 тага етказиб олди. У энди «Пахтакор»дан бор-йўғи уч очко ортда қолмоқда. Агар мазкур жамоаларнинг 21 май куни Тошкентда ўзаро юзма-юз келишларини назарда тутадиган бўлсак, навбатдаги тур кўп саволларимизга ойдинлик киритишини тахмин қилишимиз мумкин.

Қолган учрашувлар қуйидагича яқун тоғди: «Бухоро» — «Тўпаланг» — 2:1, «Ҳоразм» — «Локомотив» — 1:1, «Кизилқум» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Самарқанд-Д» — «Металлург» — 1:0.

Турнир жадвали

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	9	8	1	0	22-2	25
2. «Насаф»	9	7	1	1	19-9	22
3. «Машвал»	9	6	2	1	14-4	20
4. «Нефтчи»	9	6	1	2	18-8	19
5. «Бухоро»	9	5	0	4	15-10	15
6. «Тўпаланг»	9	4	2	3	13-10	14
7. «Трактор»	9	4	1	4	10-13	13
8. «Навбахор»	9	3	3	3	10-9	12
9. «Кизилқум»	9	3	3	3	11-12	11
10. «Андижон»	9	3	2	4	12-10	11
11. «Самарқанд-Д»	9	3	1	5	4-11	10
12. «Металлург»	9	2	3	4	11-11	9
13. «Локомотив»	9	2	3	4	8-17	9
14. «Шўртан»	9	2	1	6	5-11	7
15. «Сўғдиёна»	9	0	2	7	1-14	2
16. «Ҳоразм»	9	0	2	7	4-26	2

М.ИБРОХИМОВ



Суратда: турнирдан лавжа. Искандар ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

Тиражи: 15164 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 714

Тахрир хайъати

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Бизга кўнгирик қилинг:

Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - Ш.Абдуллаев
Навбатчи муҳаррир - Ш.Норкулова
Мусаҳҳих - Н.Юрдошев
Навбатчи - О.Эргашев

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилади -